

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.07

2018 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил “25” 08

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ
ИНТЕГРАЛЛАШГАН КУРСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	–	Гуманитар
Таълим соҳаси:	110000	–	Педагогика
	120000	–	Гуманитар
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Я.Абдураимова – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили интеграллашган курси” кафедраси мудири.
- К.Алимова – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили интеграллашган курси” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

- И.Сиддикова – ЎзМУ, “Қиёсий тилшунослик” кафедраси мудири, ф.ф.д., профессор (*турдош ОТМ*).
- У.Азизов – ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ директори

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6”-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси фани амалий фан бўлиб, унинг асосий мақсади тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш услубларининг афзалликлари ҳақида маълумот бериш, талабаларни келгуси касбий фаолиятларида чет тили дарсларини шу усулда ташкил этишга йўналтириш, аудиторияда чет тилидан асосий алоқа воситаси сифатида самарали фойдаланиш усулларини ўргатиш, касбий ихтисослашувини ривожлантиришдир. Ушбу фан ўқув режанинг умумкасбий фанлар блокига киритилган бўлиб, 3-8 семестрлар давомида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу фан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган 12 та модулдан иборат.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад талабаларнинг хорижий тил бўйича эгаллаган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллаш олишларини таъминлаш, уларни чет тили бўйича билимларни баҳолаш назарияси ва амалиёти, мақсад ва вазифалари билан таништириш ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва аниқлаш кўникмаларини шакллантиришдир. Шунингдек, чет тилини турли ёш гуруҳларида ўқитиш усуллари ва методларини ҳамда ўқитиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ёш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишни ўргатишдан иборат. Шу билан бир қаторда таълим йўналиши ва касбий ихтисослашув хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳар хил гуруҳларда чет тили самарали ўқитилишини ташкил этишга ўргатиш.

Фаннинг асосий вазифаси талабаларни чет тили ўрганиш ва ўқитиш методлари билан таништириш ҳамда улардан амалда фойдалана олиш, грамматика, фонетика ва лексикани коммуникатив ёндашув асосида ўқитишга ўргатиш ҳамда тилни ўқитишда контекстга мувофиқ равишда талабаларнинг турли ёндашувлардан мосини танлаб, татбиқ эта олишларини таъминлаш, чет тилларни ўқитиш усул ва методларининг тарихий босқичлари билан таништириш билан бирга чет тилини ўқитишдаги турли усул ва методлардан кўзланган мақсадлар, уларнинг ижобий ва салбий томонларини фарқлаш ва амалда улардан ўринли фойдалана олишдан иборат. Шунингдек, ўқув материалларини танқидий таҳлил қилиш ва уларни баҳолашга ҳамда хорижий ўқув материалларини маҳаллий шароит ва миллий тизимга мослаштириш ҳамда янгиларини ярата олиш, чет тили дарсларини тўғри режалаштириш ва дарс режаларини баҳолаш, касбий ҳхмда илмий малакаларини шакллантириш мақсадида аудиторияни ўрганиш (тадқиқ этиш), муаммоларни аниқлаш ва унга ечим топа олиш, ҳар хил гуруҳларда чет тили самарали ўқитилишини ташкил этишга ўргатиш ушбу фаннинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

Чет тилини ўрганиш жараёнлари модули бўйича:

- чет тилини ўрганиш борасидаги назарияларини амалда қўллай олиши;
- тил ўрганиш ва ўқитиш методлари, ёндашувлар ва усуллар ҳақида зарурий билимларни ўзлаштириши;
- чет тили ўрганувчиси кундалигини юритиш орқали тил ўрганиш жараёнлари тўғрисида қатор ҳисоботлар тайёрлаши;
- чет тилини ўрганиш ҳақидаги тушунчалар, методлар ва моделларни ўз амалий тажрибаларида, яъни муҳокама, топшириқ ва муаммоли вазиятларда қўллашни;

Тил сатҳ (ярус)ларини ўқитишга коммуникатив ёндашув модули бўйича:

- грамматика, фонетика ва лексикани коммуникатив ёндашув асосида ўқитишнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши;
- грамматика, фонетика ва лексикани самарали ўқитиш ва ўрганишга мўлжалланган материалларни таҳлил қила олиши;
- тил тизимларини коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш ва ўрганишга мўлжалланган материалларни тўплай олиши;
- корпус таҳлили дастурлари асосида лексик ва грамматик бирликларнинг маъноси, ишлатилиши ва услубий бўёқдорлиги масалаларини илмий нуқтаи назардан таҳлил этиб, педагогик амалиётда ундан фойдалана олиши;
- тил тизимини ўқитишда коммуникатив ёндашувдан фойдаланган ҳолда хатоларсиз, изчил ва раво дурс ўтиш кўникмаларни эгаллаши;
- тил ўрганаётган ўқувчи ва талабаларнинг хатоларини тузата олиши;
- грамматика, фонетика ва лексикани ўқитишга мўлжалланган коммуникатив ўқув материални ярата олиши;

“Тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш” модули бўйича:

- интеграллашган тил кўникмаларини амалда қўллаш (маъно-мазмун асосида ўрганиш, топшириқлар асосида ўрганиш, лойиҳалар билан ишлаш);
- мулоқотга йўналтирилган услуб орқали ўқиш, тинглаш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини ривожлантириш;
- ўқиш, тинглаш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини интеграллашган тарзда ўқитиш услуб ва предметлари бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлиши;

“Аудиторияда ўқитувчи нутқи” модули бўйича:

- чет тили ўқитувчисига хос тил кўникмаларини амалий тарзда қўллаш;

- чет тилида кўрсатмалар бериш, маълумот олиш ва дарсни бошқариш;
- дарс жараёнида она тилидан фойдаланиш ўринлари;
- чет тилида дарс олиб боришнинг зарур ижтимоий, шахсий ва ташкилий масалалари;
- аудиторияда ҳаракатланиш, мос овоз ва оҳангда гаплашиш;

“Дарсни режалаштириш” модули бўйича:

- ўқув дастурини ўрганиб, таҳлил қилиш ва дарсни режалаштиришда унга таяниши;
- дарсни режалаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар (ўқувчилар билим даражаси ва ёши, эҳтиёжлари, вақт, ўқувчилар сони ва ҳ.к.) ни баҳолай олиши;
- дарслар кетма-кетлиги, мақсад, вазифалари ва кутилаётган натижаларни тўғри белгилаши;
- таълим мақсадларига биноан дарснинг тегишли тузилмасини танлай олиши;
- дарснинг турли босқичлари (дарс бошланиши, асосий ва якуний қисми) учун тегишли вазифаларни танлай олиши ва уларни бир - бирига боғлаш, изчилликни таъминлаши;
- турли ёрдамчи ўқув материаллари ва ресурсларни (масалан, техник воситалар, кўргазмали қурооллар) танлаши;
- интернетдаги тайёр дарс режаларини танқидий таҳлил қилиши;
- дарс режасидан четга чиқиш ёки чиқмаслик қарорини қабул қила олиши ва уларнинг сабабини асослаб бериш малакаларини эгаллаши;

“Ўқув материалларини танлаш ва янгиларини яратиш” модули бўйича:

- ўқув адабиётларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни тил ўрганаётганлар эҳтиёжига кўра (билим даражаси ва ёши ва ҳоказо) танлаши;
- ўқув материалларини яратиш учун мақсад, вазифа ва кутилаётган натижаларини тўғри белгилай олиши;
- таълим мақсадларига кўра интернет таълим сайтларидан унумли фойдалана билиши;
- турли аутентик материалларни (газета, журналлар, телевидение ва радио материалларидан ва ҳ.к.) танлаш ва улар асосида тегишли вазифалар ишлаб чиқа олиши;
- ўқув адабиётлари жумладан, дарсликларга эҳтиёж сезилган вақтда турли ёрдамчи ўқув материаллари ва ресурслардан унумли фойдалана билиши;
- ёрдамчи материаллар жумладан, кўргазмали, тарқатма материаллар, аудио ва видео материаллар ярата олиш малакаларига эга бўлиши;

“Тил бўйича билимларни баҳолаш турлари ва мезонлари” модули бўйича:

- билим ва кўникмаларни баҳолашнинг асосий тамойиллари;
- тест турлари (диагностик, ривожлантирувчи, назорат тестлари);
- турли таълим йўналишлари хусусиятларига мос муқобил баҳолаш турларини таҳлил қилиши;
- назорат турлари ва шаклларидаги миллий ва халқаро тизимларини билиши;
- билимни баҳолаш учун мезон белгилай олиши ва баҳолаш жараёнини тўғри режалаштириш бўйича билимларни ўзлаштириши;
- баҳолаш мезонларини танқидий таҳлил қилиши ва баҳолаш мезонларини яратиш малакаларини эгаллаши;

“Турли ёшдагиларга чет тилини ўқитиш” модули бўйича:

- турли ёш гуруҳларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаши;
- турли ёш гуруҳларида қўлланиладиган ўқитиш методлари, ўқув материаллари, дарсни олиб бориш ва баҳолашдаги ўхшашлик ва тафовутларни таҳлил қилиши;
- ёш гуруҳига мос равишда дарсларни режалаштириши ва олиб бориши;
- ўқув материалларини ёш тафовутларини эътиборга олган ҳолда ўзгартириши, мослаштириши ва янгиларини яратиши;

“Махсус йўналиш (соҳа)ларда чет тилини ўқитиш” модули бўйича:

- тил ўрганаётганлар касбий йўналиши ва эҳтиёжларига қараб чет тилини ўқитиш методлари ва ёндашувларни танлаши;
- йўналиш хусусиятларидан келиб чиқиб чет тили дастурларини тузиши;
- ўқув материалларини соҳа ёки йўналиш хусусиятига кўра танлаши ва мослаштириши;
- турли соҳа вакилларига чет тилини ўқитиш малака ва кўникмаларини эгаллаши лозим.

III. Асосий қисм (амалий машғулотлар)

1 - Модуль. Чет тилини ўрганиш жараёнлари модули (2 курс)

Кириш

- чет тили, уни ўрганиш ва ўқитиш;
 - тил ўрганувчининг хусусиятлари
- Тил ўрганишдаги когнитив омиллар
- трансфер, интерференция ва умумлаштириш ҳодисалари;
 - индуктив ва дедуктив тил ўрганиш;
 - қобилият ва интеллект;
 - тизимли ёддан чиқариш ҳодисаси.

Чет тилини ўрганиш услублари ва стратегиялари

- чет тилини ўрганиш услублари;
- чет тилини ўрганиш стратегиялари;
- мулоқот стратегиялари.

Тил ўрганишда психологик омиллар

- ўзини ҳурмат қилиш;
- тортинчоқлик;
- таваккалчилик;
- хаяжон;
- муносабат ва мотивация

Тил ўрганишдаги хатолар

- хато турлари;
- хатоларни аниқлаш ва тасвирлаш;
- хатолик сабаблари;
- турғун хатолар.

Чет тилини ўрганишда ёш хусусиятлари

- қиёслаш ва таққослаш турлари;
- ёш гипотезаси;
- билингвизм.

2 - Модуль. Тил сатҳ (ярус)ларини ўқитишга коммуникатив ёндашув модули (2 курс)

Грамматикани ўқитиш

- грамматикани ўқитиш (грамматика ва маъно; грамматика ва функция);
- грамматикани ўқитишга дедуктив ва индуктив ёндашув;
- грамматикани контекст орқали ўргатиш;
- лингвистик интуиция; тил ҳодисалари;
- грамматик луғатлардан фойдаланиш;
- грамматик вазифаларни таҳлил қилиш;
- грамматик машқ, топшириқ, вазифа, тестларни тузиш.

Лексикани ўқитиш

- сўз нима? сўзни ўрганиш нима дегани?
- лексикани контекстда ўқитиш;
- лексик бирликлар /иборалар/бирикмаларни ўқитиш;
- янги лексикани ўргатиш (расм, реалія, қўшиқ, мультимедиа ва ҳ.к.дан фойдаланган ҳолда);
- педагогик мақсадларда корпус маълумотларидан фойдаланиш;
- талабаларнинг лексикани ўрганиш стратегияларини ривожлантириш;
- лексик вазифаларни баҳолаш;
- лексик вазифа, топшириқ ва тестлар тузиш.

Фонетикани ўқитиш

- муваффақиятли мулоқот учун талаффузнинг муҳимлиги;
- урғуни (сўз урғуси, гап урғуси) ўргатиш;
- интонация, интонациянинг муносабатни билдириш ва грамматик функцияларини ўқитиш;
- товушларни изоляцияда ва контекстда ўқитиш фарқлари;
- фонологик вазифаларни таҳлил қилиш;
- фонетикага оид машқ, топшириқ, вазифа, тестларни тузиш.

Хатони тўғрилаш

- тил тизимларини бехато ва равон ўқитиш;
- хатони тўғрилаш усуллари.

3 – Модуль “Тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш” модули (3 курс)

- Кўникмалар интеграциясининг ривожланиш босқичлари;
- Тил кўникмалари интеграцияси таҳлили.
- Тинглаш кўникмаси
- Тинглаш малакасини ошириш;
- Ҳаётий мавзуларга оид тинглаш машқлари билан ишлаш
- Тинглаш жараёнидаги қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- Дарс режасига фонетик билимларни киритиш.
- Тинглашдан олдин, тинглаш жараёнида ва тинглашдан сўнг бажариладиган топшириқ ва вазифаларни ишлаб чиқиш;
- Гапириш кўникмаси
- Муваффақиятли оғзаки мулоқот амалиёти;
- Баҳс-мунозара учун материаллар тайёрлаш
- Равон ва хатосиз сўзлашиш амалиёти
- Ўқиш кўникмаси
- Ўзаро мулоқот, мулоқот турларини фарқлаш
- Ўқишдан олдин, ўқиш жараёни ва ундан сўнгги жараён учун вазифалар тайёрлаш
- Талабаларни мақсадга йўналтирилган тарзда ўқишга ўргатиш
- Ёзиш кўникмаси
- Чет тилини ўрганишда ёзма нутқнинг аҳамияти ва унга таъсир этувчи омиллар
- Ёзма нутқ стратегиялари билан таништириш
- Ёзма нутқ мақсадлари билан таништириш
- Ёзма нутқда оригиналликни сақлаш
- Фикр-мулоҳазаларни жамлаш услублари
- Ёзма нутқда оригиналликни сақлаш
- Фикр-мулоҳазаларни жамлаш услублари
- Тилнинг тўрт кўникмаси интеграцияси
- Топшириққа асосланган интеграция
- Лойиҳаларга асосланган интеграция

4- Модуль “Аудиторияда ўқитувчи нутқи” модули (3 курс)

- Ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари
- Ўқитувчининг овози
- Ўқитувчининг оҳанги
- Аудиторияда чет тилини қўллаш
- Чет тили муҳитини яратиш
- Аудиторияда қўлланиладиган тил

- Чет тилида саволлар бериш
- Чет тилида кўрсатмалар бериш
- Чет тилида оғзаки изоҳ бериш
- Чет тили дарсида она тилидан фойдаланиш

5 - Модуль. “Дарсни режалаштириш” модули (3 курс)

- Мактаб, лицей ва коллежлари учун мўлжалланган ўқув дастурларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар билан ишлаш
- Дарсни режалаштириш ва дарс режаси таркиби
- Дарслар кетма- кетлиги, мақсад, вазифалари ва кутилаётган натижаларни белгилаш
- Дарсни режалаштириш учун дарс тузилмасини танлаш (масалан, ППП (презентация, практика, продукция)
- ППП муқобиллари, TBL (вазифаларга асосланган ўқиш
- Рецептив кўникмаларни ўқитишга матндан олдин, матн устида ва матндан кейинги машқлар)
- Дарсинг турли босқичлари учун вазифалар
- Дарс бошланиши (муз ёрар машқлар, кириш машқлари)
- Яқунлаш (дарсни хулосалаш, интроспекция, қолган сўнги дақиқаларни тўлдириш)
- Дарсда вазифаларни бир- бирига боғлаш
- Дарс давомидаги вазифаларга тўғри вақт ажратиш
- Уй вазифасини бериш
- Мавжуд ўқув материаллари ва ресурслардан (масалан, расмлар, кўшиқлар, видео, синф тахтаси, синфдаги жиҳозлардан) самарали фойдаланиш
- Муаммоларни олдиндан кўра билиш (хулқи турлича бўлган ўқувчилар билан ишлаш усуллари)
- Режалаштириш ва ўқитишда вазиятга қараб мосланувчанлик
- Турли қобилиятга эга ўқувчилар гуруҳларида дарсни режалаштириш

6 - Модуль. “Аудиторияни ўрганиш (тадқиқ этиш)” модули (3 курс)

- Синф тадқиқоти босқичлари (ўқитувчи муаммосини аниқлаш ва тадқиқот қилинадиган саволни тузиш, тадқиқотни режалаштириш (тўғри маълумотни йиғиш услуби), маълумотларни йиғиш, уни таҳлил қилиш ва режалаштириш)
- Маълумотларни йиғиш учун керак бўладиган материалларни яратиш/тузиш, унинг салбий ва ижобий тарафларини фарқлаш
- Дарс кузатуви (дарсни видео тасмага тушириш ёки ҳамкасби томонидан кузатилиши)
- Сухбат ўтказиш (структурали, ярим структурали, структурали бўлмаган)
- Ўқитувчи ва талабаларга бериладиган саволномалар; кундалик юритиш
- Муаммоли вазиятлар/ходисалар; қайдлар

- Дарс кузатуви жараёни: дарс кузатуви босқичи (кузатувдан олдинги, кузатув пайти, кузатувдан кейинги)
- Кузатув натижаларини оғзаки ва ёзма равишда баён қилиш

7 - Модуль. Ўқув материалларини танлаш ва янгиларини яратиш модули (3 курс)

- Ўқув материаллари таълим стандартлари, шунингдек миллий кадриятларни татбиқ ва тарғиб қилишнинг муҳим воситаси сифатида
- Ўқув адабиётлари ва ўқув дастурлари ўртасидаги мутаносиблик
- Ўқув адабиётлари турлари жумладан, талабалар учун дарслик, ўқитувчилар учун қўлланма, CDлар, мустақил таълим учун китобларни танлаш
- Чет тили машғулотида фойдаланиш учун дарсликларни таҳлил қилиш ва танқидий баҳолаш
- Интернет таълим сайтлари, тил кўникмаларини баҳоловчи манбалар, кичик ёшдаги тил ўрганувчилар учун манбалар
- аутентик материалларни (газета, журналлар, телевидение, радио материалларидан ва ҳ.к.) танлаш ва уларга мос вазифалар тузиш
- Тил ўрганувчилар хусусиятларига мос келадиган кўргазмали материаллар ва тарқатма материалларни яратиш
- Ривожлантирувчи вазифаларни яратишда эътиборга олиниши керак бўлган ахлоқий ва маънавий масалалар (масалан, инсон ҳуқуқлари, миллий кадриятлар ва ҳ.к.)
- Семестр сўнгида ўтказиладиган микро дарс учун кўргазмали материаллар тайёрлаш, тарқатма материаллар яратиш.

8 - Модуль. Чет тилларни ўқитиш тамойиллари ва ёндашувлар модули (4 курс)

- чет тилларни ўқитиш услублари ўртасидаги фарқлар;
- тил ўқитиш замонавий усулларининг амалиётда қўлланилиши;
- чет тилини ўргатишда хорижий тажрибалар:
 - грамматик-таржима услуби;
 - дарсни тўлиқ чет тилида ўтиш услуби;
 - аудио-лингвистик услуб (эшитиб гапириш);
 - коммуникатив услуб.
- маҳаллий муҳитда қўлланилаётган услублар ва уларнинг таҳлили:
 - грамматикани дедуктив ва индуктив тарзда ўқитиш;
 - таржима орқали тил ўқитиш;
 - қайта гапириб бериш;
 - фонемалар ва фонетик усуллар;
 - матнларни ёдлаш;
 - ўқитувчидан сўнг такрорлаш;
 - коммуникатив машқлар ёрдамида тил ўрганиш;
- турли услубларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари муҳокамаси;

- тил ва маданият;
- ўқитиш/ўрганиш жараёнлари;
- чет тилини ўрганишда она тилининг ўрни;
- чет тили ўқитишнинг психологик асослари.

9 - Модуль. Аудиторияни ўрганиш (тадқиқ этиш) (2, 4 курс)

- синф тадқиқоти босқичлари (ўқитувчи муаммосини аниқлаш ва тадқиқот қилинадиган саволни тузиш, тадқиқотни режалаштириш (тўғри маълумотни йиғиш услуги), маълумотларни йиғиш, уни таҳлил қилиш ва режалаштириш);
- маълумотларни йиғиш учун керак бўладиган материалларни яратиш/тузиш, унинг салбий ва яхши тарафларини фарқлаш;
- дарс кузатуви (дарсни видео тасмага тушириш ёки ҳамкасби томонидан кузатилиши)
- суҳбат ўтказиш (структурали, ярим структурали, структурали бўлмаган);
- ўқитувчи ва талабаларга бериладиган саволномалар;
- кундалик юритиш;
- муаммоли вазиятлар/ҳодисалар;
- қайдлар;
- саволнома;
- талаба бажарган ишнинг далили.
- маълумот манбаларини тўплаш эҳтиёжи;
- дарс кузатуви жараёни:
- дарс кузатуви босқичи (кузатувдан олдинги, кузатув пайти, кузатувдан кейинги);
- кузатув натижаларини оғзаки ва ёзма равишда баён қилиш
- тадқиқотни режалаштириш.
- йиғилган маълумотлар таҳлили (мавжуд фарқлар ва ўхшашликлар (масалан: талабаларнинг тест натижалари);

10 - Модуль. Тил бўйича билимларни баҳолаш турлари ва мезонлари (4 курс)

Баҳолаш турлари:

- якуний (summative); шакллантирувчи(formative);
- тест:
- тестнинг валидлиги (validity)– тест шакли ва мазмунининг уни тузувчилар фикри бўйича тест баҳолаши ёки аниқлаши зарур бўлган нарсага мувофиқ келиши, ишончлилиги (reliability), амалийлиги (practicality);
- мезонлар мутаносиблиги (Criterion referencing); меъёр мутаносиблиги (norm referencing)
- таснифлаш;

- тест турлари: маҳорат (proficiency), назорат (achievement), ривожланиш (progress), etc.)
- Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (Common European Framework of Reference)
- тестметодлари (берилган вариантлар ичидан тўғрисида танлаш, савол ва жавобларни бир-бирига мослаш; тест тузишнинг илк босқичлари (йўриқлар, жавоб вариантларини тузиш ва ҳоказо)
- Тил аспектларини баҳолаш усуллари ва мезонлари:
 - ёзма нутқ;
 - ўқиш;
 - тинглаб тушуниш;
 - гапириш
 - тил кўникмаларининтеграллаштириш;
 - сўз бойлиги;
 - грамматика
- Баҳолашнинг муқобил турлари (портфолиони баҳолаш, ўзини-ўзи баҳолаш, лойиҳа ишлари, кундалиқлар, рефлексив қайдлар ва ҳоказолар)
- Баҳолашни режалаштириш;
- Танқидий таҳлил (баҳолашнинг таълим жараёнига таъсири).
- Тест топшириқларини тузиш тамойиллари:
 - илмийлик;
 - изчиллик;
 - ихчамлилик ва аниқлик;
 - формал эмаслиги;
 - мантиқий кетма-кетлик;
 - тизимлилик;
 - умумийлик ва хусусийлик;
 - оддийлик ёки мураккаблик;
 - кўргазмалилик;
 - нзария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
 - тафаккурни ривожлантириш;
 - ижодийлик;
 - мустақиллик ва онглилик;
 - тил ўрганувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
 - тарбиявийлик;
 - ўқув дастурига мослик;
 - вақт жиҳатдан холисоналик;

11 - Модуль. Турли ёшдагиларга чет тилини ўқитиш (4 курс)

- чет тилини ўрганувчиларининг психо-физиологик хусусиятлари ва турли ёшдагиларга чет тилини ўргатиш жараёни

- турли ёшдагиларга чет тилини ўргатишда ўқитувчининг роли ва аудиторияга мос равишда мослашуви.
- турли ёш гуруҳларини ўқитиш тамойиллари;
- турли ёшдагиларга чет тилини ўргатиш учун дарсларни режалаштириш ва унда ёш хусусиятларини эътиборга олиш;
- ёш хусусиятидан келиб чиқиб, мувофиқ методларни танлаш;
- катта ёшдагиларга чет тилини ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- кичик ва ўсмир ёшдагиларга чет тили ўргатишда ўйин, кўшиқ, мусиқа ва ҳикоялардан самарали фойдаланиш;
- турли ёш гуруҳларида чет тили бўйича ўзлаштирилган билимларни баҳолаш;
- ёш хусусиятларига кўра ўқув материалларини мослаштириш ва янгиларини яратиш.

12 - Модуль. Махсус йўналиш (соҳа)ларда чет тилини ўқитиш (4 курс)

- махсус йўналишларда чет тили (касбий йўналишда чет тили, ўқишга йўналтирилган чет тили);
- эҳтиёжларни ўрганиш ва таҳлил қилиш (вазоят тақозосига кўра эҳтиёж, ўрганиш эҳтиёжлари);
- маълум бир соҳа ёки касбий йўналишда чет тилини ўқитиш учун мақсадларни белгилаш;
- дастур тузишда ўқитиш ёндашувларини белгилаш (мавзу асосида, кўникма асосида);
- Ўзбекистон республикаси таълим тизими босқичларида (мактаб, коллеж ва лицейларда) чет тили ўқитишнинг мақсад ва мазмунини белгилаш;
- мустақил ўқиш кўникмаларининг ўрни: ўқишга йўналтирилган чет тили, ўқиш ва тадқиқ этиш кўникмалари;
- ўқув материалларини баҳолай олиш;
- ўқув материалларини мослаштира олиш;
- ўқув материалларини ярата олиш;
- махсус йўналишларда чет тили ўқитувчисининг роли

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил иш мавзулари фан ўқитувчиси ва талабалар томонидан ишлаб чиқилади. Мавзулар талабани мустақил билим олишга онгли равишда йўналтириши лозим. Кафедра мутахассислари томонидан ҳар бир мавзу бўйича талабанинг мустақил ўқиб ўрганишига доир вазифа ва топшириқлар ишлаб чиқилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзу ва фаолият турлари:

- Тил ўрганишдаги когнитив омиллар
- Чет тилини ўрганиш услублари ва стратегиялари
- Тил ўрганишда психологик омиллар
- Тил ўрганишдаги хатолар
- Чет тилини ўрганишда ёш хусусиятлари
- Грамматикани ўқитиш
- Лексикани ўқитиш
- Фонетикани ўқитиш
- Тинглаш малакасини ошириш;
- Гапириш кўникмаси
- Ўқиш кўникмаси
- Ёзиш кўникмаси
- Аудиторияда ўқитувчи нутқи
- Дарсни режалаштириш
- Мактаб, лицей ва коллежлари учун мўлжалланган ўқув дастурларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар билан ишлаш
- чет тили ўрганувчиси кундалигини юритиш
- чет тили ўқитиш методларига бағишланган оғзаки тақдимот
- Чет тили ўрганувчиси ҳақида батафсил ёзма ҳисобот
- Грамматика/Лексикани контекстда ўқитиш бўйича топшириқ ишлаб чиқиш
- Чет тили ўқитиш методларига бағишланган танқидий, таҳлилий иншо
- Интернет ресурсларидаги ўқув материалларни таҳлил қилиш ва тақриз ёзиш
- касбга ва курс мавзусига оид мақоланинг ёзма таҳлили(тақриз бериш)
- мавжуд ўқув адабиётларни танқидий таҳлил қилиш ва уларга тақриз ёзиш
- тайёр дарс режасини баҳолаш
- семестр сўнгида ўтказиладиган микро дарс учун кўргазмали материаллар тайёрлаш, тарқатма материаллар яратиш
- икки ёки ундан ортиқ тил кўникмаларини интеграллаштирган ҳолда ўқитишга мўлжалланган коммуникатив топшириқ ишлаб чиқиш
- дарсликнинг бир бўлимини тузиш (ўқитувчи қўлланмаси ва талаба иш китоби)
- барча тил кўникмаларини қўллаган ҳолда дарс режасини тузиш
- Микро дарс ўтказиш (ва унинг таҳлилий ҳисобот аудиторияни ўрганиш бўйича саволлар тузиш
- тестлар таҳлили
- ўқув материалларини ёш хусусиятларига мос тарзда ўзгартиришга асосланган муаммоли топшириқ
- махсус йўналишларда чет тилини ўқитиш учун материалларни саралаш ва уларни баҳолаш

- баҳолаш шакллари ва мезонларини ишлаб чиқиш
- дарс кузатуви бўйича таҳлилий ҳисобот
- махсус йўналишларда чет тили ўқитиш учун материалларни мослаштириш
- Дарсликнинг бир бўлимини тузиш (ўқитувчи қўлланмаси ва талаба иш китоби)

V. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари¹

Асосий адабиётлар

Инглиз тили

1. Woodward, T. (2001). *Planning Lessons and Courses*. Cambridge, CUP
2. Tomlinson, B. (Ed.) (2010). *Materials Development in Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press.
3. Nunan, D. (2009). *Task-based Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press. McDonough, J., & Shaw, C. (2003). *Materials and Methods in ELT* (2nd edition). Oxford: Blackwell.
4. McGrath, I. (2002). *Materials Evaluation and Design for Language Teaching*. Edinburgh University Press.
5. Wainryb, R. (1992) *Classroom Observation Tasks*, Cambridge University Press, ISBN 0 521 40722 2
6. Иргашева С, Абдураимова Я, Брювертон Б (2016). *Being a Teacher*. Tashkent.
7. James, P. (2001). *Teachers in Action*. Cambridge and New York: Cambridge University Press.
8. Hughes, A. (2003) *Testing for Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press.
9. Harding, K. (2007) *English for Specific Purposes (Resource books for teachers)*. Oxford:Oxford University Press,.
10. Jordan, R. R. (2005) *English for Academic Purposes: A Guide and Resource Book for Teachers*. Cambridge: Cambridge University Press.
11. Ur, P.A (2010) *Course in Language Teaching: Practice and Theory*. Cambridge: CUPUK.

Немис тили

1. Brinitzer Michaela, Hans- Jurgen Hantschel, Sandra Kroemer, Monika Möller-Frorath, Lourdes Ros. DaF unterrichten. Basiswissendidaktik Deutsch als Fremd- und Zweitsprache. Ernst Klett Sprachen GmbH, –Stuttgart, 2013.
2. Alisa Padros, Markus Biechele. Didaktik der Landeskunde. Goethe Institut inter Nationes, - München, 2003.

¹ Адабиётлар рўйхатига ҳар бир тил хусусияти ва ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда ўз аксини топади.

3. Karin Ende, Rüdiger Grothajen, Karin Kleppen, Imke Mohr. Curriculare Vorgaben und Unterrichtsplanung. Goethe Institut,-München, 2013.
4. Michael Schart, Michael Legutke. Lehrkompetenz und Unterrichtsgestaltung. Klettverlag, -Stuttgart, 2013.
5. Wolfgang Hallet, Frank G.Königs. Handbuch Fremdsprachendidaktik.- Berlin. Friedrich Verlag GmbH, 2010.
6. Michael Schart, Michael Legutke. Lehrkompetenz und Unterrichtsgestaltung.

Француз тили

1. BERTOCCHINI P., COSTANZO E., Manuel de formation pratique pour le professeur de FLE, Paris, CLE International, 2008.
2. Cadre européen commun de référence pour les langues (Apprendre, enseigner, évaluer), Conseil de l'Europe, Didier, 2002.

Испан тили

1. Los métodos de enseñanza en ELE: El método comunicativo revisado, Sandra Paola Agudelo, 2011, Université de Montréal
2. La Metodología usada para la enseñanza del español en el rendimiento académico en el instituto Jose Cecilio del Valle de la ciudad de Cholulca 2010-2011
3. 1. Villalba, F. y Hernández, M^a.T. (2005b): Español Segunda Lengua. Libro del profesor. Madrid, Anaya.
4. 2. Villalba, F. y Hernández, M^a.T. (2007): “La enseñanza de segundas lenguas con fines específicos” en Victoria Marrero (coord.) La lengua española en la integración lingüística de los inmigrantes: bases teóricas y metodológicas. Madrid, UNED (en prensa)
5. Jesus Sanchez Lobato.Vademecum Para la Formacion de Profesores. Enseñar Español con se Gunda Lengua (12)/ Lengua Extranjera. españa 2004

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

Инглиз тили

1. Wallace, M.J. (1998). *Action Research for Language Teachers*. Cambridge and New York: CUP
2. Paul, J.Black (1998) *Testing: Friend or Foe?The Theory and Practice of Assessment and Testin*.RoutledgeFalmer: London and NY Tylor and Francis Group.
3. Brinton, D & P. Master (1998) *New Ways in English for Specific Purposes* Alexandria, VA: TESOL
4. Dudley-Evans, T. & M-J. St John (1998) *Developments in English for Specific Purposes*. Cambridge: Cambridge University Press.
5. Spratt, M (1994) *English for the Teacher*, Cambridge University Press, ISBN 0 521 42676 6 Spratt, M, Pulverness, A, Williams, M. (2005) *The TKT Course*, Cambridge University Press, ISBN 978 0 521 60992 0

Немис тили

- 1.Gerard Westhoff. Fertigkeit Lesen. Goethe Institut. - München, 2005.
- 2.Barbara Dahlhaus. Fertigkeit Hören. Goethe Institut. - München, 2001.
3. Dietmar Rösler, Nicola Würffel. Lernmaterialien und Medien. Stuttgart, Klettverlag, 2014.
4. Gerard Westhoff. Fertigkeit Lesen. Goethe Institut. - München, 2005.
5. Bernd Kast. Fertigkeit Schreiben. Goethe Institut. - München, 2005.
6. Gerard Westhoff. Fertigkeit Lesen. Goethe Institut. - München, 2005.

Француз тили

1. COURTILLON J., Elaborer un cours de FLE, Paris, Hachette, coll. F, 2003.
2. CUQ J.-P., GRUCA I., Cours de didactique du français langue étrangère et seconde, Grenoble, PUG, 2002.

Испан тили

1. Métodos de enseñanza.: didáctica general para maestros y profesores. Davini, María Cristina ,Buenos Aires, 2008.
2. Manual de estrategias y didacticas , Velazco y Mosquera , Real Académica de la Lengua Española, 2011
3. Hernández, M^a.T & Villalba, F. (2006): “Propuesta curricular”, en José Emilio Linares y Mariano López (coord.): Orientaciones para la organización de los

procesos de enseñanza y aprendizaje del español para extranjeros, Murcia, Consejería de Educación y Cultura.

4. 2. Manuel Seco Raymundo. Metodología de la lengua y literatura españolas en el bachillerato. España 2003

Интернет сайтлари

Инглиз тили

1. <http://www.pbs.org/newshour/extra/teachers/lessonplans/media/podcasting.html>
2. http://esl.about.com/od/englishlistening/a/intro_podcasts.htm
3. www.teachingenglish.org.uk
4. www.onestopenglish.com
5. www.tesol.org
6. www.tefl.com
7. www.teachertrainingvideos.com
8. www.learnenglish.org.uk
9. www.macmillanenglish.com/readers

Немис тили

1. www.paperball.de
2. www.teachsam.de

Француз тили

1. <http://francparler-oif.org/>
2. <http://www.fdlm.org/>
3. <http://www.tv5.org/>
4. <http://www.rfi.fr/>
5. <http://lefiledubilingue.org/>
6. <http://www.cafepedagogique.net>

Испан тили

1. www.google.es
2. www.marco.ele
3. www.cervantes.es
4. <http://es.altavista.com>
5. <http://www.lycos.es>
6. <http://www.sobre.españa.ru>
7. <http://www.catalunyaonline.com>
8. <http://www.rae.es>

